

WAYS TO EMPLOY EMPLOYMENT IN THE TERRITORIES

Bozorov Berdimurod Ulugmuradovich,
Associate Professor of Human Resources, SamSU

Aminov Jonibek Bohodirovich
2nd year undergraduate

Annotation

The article examines the impact of population growth on the development of human capital and the rational use of labor resources.

Key words: Employment policy of human resources, labor market, employment services.

Худудларда аҳоли бандлигини таъминлашда, ишчи кучидан самарали фойдаланиш буйича Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун, Президент фармонлари, қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу соҳада ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Лекин шунга қарамасдан минтақа даражаларида меҳнат ресурсларини фойдали меҳнатга жалб этиш, янги иш жойларини барпо қилиш, ишчи кучидан самарали фойдаланиш борасида бир қатор илмий ва амалий муаммолари ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Иш билан бандлик деганда аввало, иқтисодий фаол аҳолининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад келтирадиган фаолиятга эга бўлиши тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига асосан иш билан таъминлаш-фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромад) келтирадиган фаолиятдир.

“Иш ўринларини ташкил этиш ва ишга жойлаштиришга муҳтожлар 2020 йилда 1335,3 минг кишини ташкил этмоқда. Ишга жойлашганлар сони 388531 кишини ташкил этади. Дастлабки маълумотларга кўра, республикада доимий аҳоли сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 34036,8 минг кишини ташкил этди ва 2020 йилда 131,6 минг кишига ёки 0,4 фоизга ошди. Шу жумладан, шаҳар аҳолиси сони 17183,7 минг кишини, қишлоқ аҳолиси 16853,1 минг кишини ташкил этади, яъни жами аҳоли сонига нисбатан шаҳар аҳолиси 50,5 фоизни, қишлоқ аҳолиси 49,5 фоизни ташкил этади.

Самарқанд вилояти дастур асосида 39952 та ўринга 45114 та ёки 12,9 фоиз ўсишга эришилиб янги иш ўринлари яратилгандир.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги шароитида ушбу вазифа сифатида иқтисодиётни ривожлантириш шароитларига мувофиқ келадиган аҳолини иш билан бандлик сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдир. Аҳолини иш билан бандлиги замонавий ҳаёт сифатини таъминлаш, инсон капитали ривожланишига шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат тақсимотини нисбатан юқори даражага ўтишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган меҳнат фаолиятининг турли кўринишларини ва йўналишларини ўз ичига олади. Аҳолини оқилона иш билан бандлигини таъминламасдан туриб ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар йўлидан янада илгарилаб бориш ва замонавий меҳнат бозорини таъминлаш мумкин эмас. Бунда миллий иқтисодиётимизнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан бандликнинг фаол йўналишларини рағбатлантириш асосида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга, бу эса иш билан бандлик сиёсати инқирозга қарши дастур билан, кўп укладли иқтисодиётни такрор ҳосил бўлиш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ислоҳ қилиш билан ҳамда меҳнат ресурсларини ривожлантиришнинг умумий стратегияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозимлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳозирги 2017-2021 йилларга мулжалланган ҳаракатлар стратегияси даврида меҳнат бозоридаги сиёсат давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва шакллари ҳамда хўжалик юритишни янги шакллари ривожлантириш асосида амалга оширилмоқда. Давлат иш билан бандлик хизмати меҳнат бозоридаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг таркибий қисми бўлиб, уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва вазифаларини белгилаб беради. Давлат иш билан бандлик хизмати меҳнат бозорида ижобий ижтимоий ва иқтисодий самарага эришишга йўналтирилган. Бу бир томондан, кўп сонли ишга жойлаштирилганлар норматив бўйича иш билан бандлик Давлат жамғармасига ажратмалар ажратилиши учун шарт-шароит яратади, иккинчи томондан эса ишсизлик нафақаси олувчилар сони камаёди ва фаол йўналишлар учун шароит яратилади. Бу эса ўз навбатида, уларнинг ишга жойлашиши учун сифат кўрсаткичларини оширади.

Худудларда аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати меҳнат бозори

конъюктураси ва унинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда умумдавлат ва ҳудудий иш билан бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва реализатсиясини амалга оширишда намоён бўлади.

Ушбу соҳада Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида меҳнат бозорида самарали давлат сиёсатини юритилишида хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик юритишни янги шакллари вужудга келиши иқтисодий диверсификатсиялаш ва ривожланаётган тармоқларни модернизатсиялаш жараёнлари билан мувофиқликда амалга оширилмоқда. Мустақил иш билан бандликни ўсиши учун зарур шароитлар кўпроқ даражада эркин бозор иқтисодиётини самарали ўсиши шароитларига мос келади. Амалда мустақил иш билан бандликни мавжуд бўлишининг ўзи хусусий секторга боғлиқ, шунинг учун хусусий секторни ўсишига кўмаклашувчи сиёсий ва иқтисодий шароитлар, мустақил иш билан бандликни ривожланишига ҳам ёрдам беради.

Иш билан бандлик хизматининг йиллар давомида ривожланиши даврида қонунлар, талаблар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар ўзгармоқда, шунга мос равишда фаолият йўналишлари ўзгаришига батафсил ва аниқ тузатишлар киритилмоқда. Бироқ давлат иш билан бандлик хизмати органларининг ташкилий тузилмаси шаклланиб бориши ва ривожланиши кўп йиллар давомида деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Инсон ривожланиши концепцияси нуқтаи назаридан иш билан хал қилувчи аҳамиятга эга. Инсон меҳнат фаолиятини амалга оширар экан, муносиб турмуш кечириш учун даромад олади. Бу даромад эса, инсонга фақат ўз салоҳиятини намоён этишини таъминлабгина қолмасдан, инсон капитали-таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларина шахсий инвестициялар киритиш имконини ҳам беради. Айни пайтда бевосита меҳнат фаолияти иш билан банд ҳар бир кишига ўзи томонидан жамғарилган инсон капиталини ижтимоий ишлаб чиқаришга сарф этишга хизмат қилади. Бу эса, мамлакат иқтисодиётини жадал сураъатларда ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий омилidir.

Бугуни кунда Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигининг ҳолатини таҳлил қилиш, корхоналарда янги иш ўринларини яратиш ҳолатини урганишда кузатиш усуллари (анкета орқали кузатиш, монографик кузатиш)ни қўллаш асосида ишчи кучидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил этиш прогнозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг аҳолини иш билан банд қилишнинг асосий омил сифатида баҳолаш каби масалаларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли қарори “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”
2. Самарқанд вилоят статистика бошқармаси. 2020 йил.